



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ АЛЕКСАНДР
ЛУКАШЕНКОНИНГ
ТАКЛИФИГА БИНОАН
РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН
УШБУ МАМЛАКАТДА
БЎЛИБ ТУРИБДИ.**

Ташриф дастурига мувофиқ, Минск шаҳрида олий даражадаги музокара-лар ўтказилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон – Беларусь кўп қиррали шериклик муносабатларини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилади.


Ўзаро товар айирбош-лаш ҳажмини ошириш, қишлоқ ҳўжалиги, ма-шинасозлик, фармацев-тика, енгил sanoat, озик-овқат ва иқтисодийнинг бошқа тармоқларида кооперацияни ривож-лантириш масалалари диққат марказида бўлади.

Маданий-гуманитар алмашинув дастурларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Саммит якунида усту-вор йўналишларга доир икки томонлама ҳужжат-ларнинг салмоқли тўпла-мини қабул қилиш режа-лаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, ташриф доирасида Минск шаҳрида икки мамлакат ҳудудлари делегациялари ва ишбилармон доира-лари иштирокида учинчи Ҳудудларо форум ҳам бўлиб ўтди.

**Ташриф
тафсилотлари
билан батафсил
танишиш боринг:**



Шу кунларда мамлакатимизда илк бор «Ислом цивилизацияси: тинч-лик, бағрикенглик ва илм-маъри-фат йўли» мавзусида I Ҳалқаро ис-лом цивилизацияси форуми ўтказил-моқда.

Тошкент, Самарқанд ва Тер-миз шаҳарларида бўлиб ўтаёт-ган маскур форум 50 дан орт-қ мамлакатдан юзлаб олимлар, давлат ва жамоат арбоблари, муфтийлар, академиклар ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларини бир май-донга жамлади. Анжуманнинг энг муҳим аҳамияти ислом цивилизация-сини илм, маърифат, бағрикенглик ва тараққиёт ривож-и сифатида на-моён этишга қаратилганидир.

2017 йилда Президентимиз Бир-лашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ил-гари сурган ташаббуслар халқаро ҳам-жамият томонидан юксак баҳоланган

Конференция

ЖАҲОН МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

рақамлаштириш, сунъий интеллект, иқлим ўзгаришлари ва
платформа иқтисодиёти масалаларидаги долзарб вазифалар



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида «Global Union IndustriALL» ва Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) АСТРАВ бюроси ҳамкорлигида меҳнат стандартлари ва касаба уюшмалари фаолиятига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтмоқда. Унда нуфузли ташкилотлар вакиллари билан бир қаторда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғиз Республикасининг етакчи тармоқ касаба уюшмалари раҳбарлари, фаоллар иштирок эт-моқдалар.

Кун тартибига кўра, даст-лаб жаҳондаги меҳнат му-носабатларидаги жорий ўзгаришлар – рақамлаштириш, сунъий интеллект, иқлим ўзга-ришлари ва платформа иқтисо-диёти масалалари муҳокама қи-линди.

Халқаро меҳнат ташкило-тининг 114-сессиясида қабул қилинган платформа иқтисо-диётида муносиб меҳнатни таъминлашга қаратилган

193-сонли Конвенция йиғи-лишининг марказий мавзусига айланди. Бу ҳужжат биринчи марта рақамли платформалар орқали ишловчилар ҳуқуқла-рини халқаро даражада ҳимоя қилади ва меҳнат муносабатла-рининг «қуланган зонаси»га чек қўяди. Шунингдек, анжуманда ижтимоий мулоқот ва гендер тенглиги бўйича қабул қилин-ган резолюциялар ҳам таҳлил этилди.

Иштирокчилар Марказий Осиёнинг глобал иқтисоди-ётдаги ўрни, хомашё таъми-ноти занжирлари ва трансмил-лий корпорациялар фаолияти ҳақида батафсил сўз юритишди. Халқаро меҳнат стандартла-рини жорий этиш, ХМТ кон-венцияларини амалга ошириш, касаба уюшмалари ролини ку-чайтириш, меҳнат ҳуқуқла-рини ҳимоя қилишнинг замо-навий механизмлари бораси-

даги таклиф ва ташаббусларни илгари суришди.

Шундай қилиб, конферен-циянинг илк кунлари минтақа-вий ҳамкорлиқни мустаҳкам-лаш, энергетика, кончилик, нефть-газ соҳаларида ижти-моий мулоқотни ривожланти-риш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро талабларни амалиётга татбиқ этиш ҳамда касаба уюш-маларининг замонавий фао-лият усуллари масалаларига бағишланди.

Қайд этиш лозимки, ушбу анжуман Марказий Осиё мин-тақасида илк бор халқаро меҳнат стандартлар, глобал хадли келишувлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича мажбурий текширувлар каби илғор воси-таларни касаба уюшмалари амалиётга жорий этиш йўли-даги муҳим қадам бўлади. Ва нафақат тажриба алмашиш, балки минтақавий бирдам-лиқни кучайтириш имконини беради.

Конференция 11 июлгача да-вом этади.

Гулрухбегим ОДАШБОВА
«ISHONCH»

Эъзоа УМУРЗОКОВА
олган суратлар



Иштирокчилар фикрлари

Гоча АЛЕКСАНДРИЯ,
ХМТнинг меҳнат муносабатлари бўйича катта мутахассиси:

– Марказий Осиё касаба уюшмаларининг бир-галикда йиғилиш ўтказиши, тажриба алмашиши ва бир-бирдан ўрганиши жуда муҳим. Шундан ке-либ чиқиб, биз халқаро тажрибани тақдим этамиз, айниқса, яқинда Женевада бўлиб ўтган Халқаро меҳнат конференция-сида қабул қилинган муҳим қарорлар ҳақида маълумотлар алмашамиз. Ижтимоий мулоқот ва гендер тенглиги бўйича иккита жуда муҳим резолюция қабул қилинди. Уларни ҳам-касбларимиз билан муҳокама қиламиз.



Эльдар ТАДЖИБАЕВ,
«IndustriALL Global Union»
Иттифоқи Ижроия қўмитаси аъзоси:

– Мен Қирғизистон Кончилик ва метал-лургия касаба уюшмасига вакиллик қиламан. Табдир юқори даражада ўтjayпти. Албатта, ан-жуман мавзуси ҳам долзарб ва ўта зарур. Шу би-лан бирга, жуда фойдалди. Чунки барчамиз Марказий Осиё минтақасида яшayпмиз ва кўпинча бир-бирига деярли ўхшаш муаммоларга дуч келамиз. Улардан бири – норасмий бандлик. Анжуманда мана шу каби долзарб муаммоларга ечим излаймиз.



Баглан МИРЗАХАНОВ,
«QAZAQMETAL KASIPODAGY»
тармоқ кон-металлургия касаба уюшмаси раиси ўринбосари:

– Бизнинг касаба уюшмамиз Қозоғистон оғир sanoat корхоналари ходимларини бир-лаштирган. Кўп йиллардан буён ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан яқин ҳамкорлик қилиб кел-моқдамиз. Бу борада ушбу конференция ҳам алоҳида аҳамия-тга эга. Ишонаманки, Марказий Осиё мамлакатлари ка-саба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорлик келгусида янада мус-таҳкамланиб боради.




Юлтон ПЭНТЛЕНД,
IndustriALL Global Union
ташкилотчилик ва
компаниялар бўйича директори:

– Кейинги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракати сезиларли тараққиётга эришди. Уларнинг аъзолари сафи кенгаймоқда, ижтимоий шериклик мустаҳкамланмоқда, халқаро ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон касаба уюшма-лари Федерациясининг Халқаро касаба уюшмалари конфедерациясига аъзо бўлиши ана шу ижобий ўзгаришларнинг муҳим эътирофи бўлди.

Конференциянинг аҳамияти ҳақида сўз юритадиган бўл-сак, у бутун Марказий Осиё минтақаси учун долзарб ташаб-бусларни илгари суриши билан алоҳида ажралиб туради.

**Халқаро конференция
тафсилотлари ҳамда ундаги
муҳим жараёнлар билан
танишиш учун «Ishonch»нинг
Телеграмдаги саҳифасига ўтинг:**



МАЪРИФАТ МАЙДОНИГА АЙЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН

эди. Кейинги йилларда ушбу го-ялар амалий мазмун билан бойиди. Мам-лакатимизда Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мо-туридий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ҳадис илми мактаби, Бурҳониддин Марғи-ноний мемориал мажмуаси каби ил-мий-маърифий муассасалар фаоли-яти йўлга қўйилди. Уларда ноёб қўл-ёзмалар ўрганилмоқда, академик нашрлар тайёрланмоқда, хориж-лик олимлар иштирокида қўшма тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Халқаро анжуманда ҳадисшуно-слик, археология, музейшунослик, ма-даний меросни муҳофаза қилиш, уни рақамлаштириш каби қатор долзарб

йўналишлар бўйича фикр ва тажри-балар алмашилиб, янги китоблар тақ-димоти ўтказилмоқда. Қўшма илмий лойиҳалар муҳокама қилиниб, ме-морандумлар, «йўл хариталари» ва халқаро ҳамкорлик келишувларини имзолаш режалаштирилган.

Форумда Ислом олами таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ICESCO, Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ қи-лиш маркази – IRCICA, Халқаро тур-кий маданият ташкилоти – ТУРК-СОЙ, Халқаро Туркий академия каби нуфузли ташкилотлар раҳбарлари-нинг иштирок этиши анжуманнинг халқаро нуфузини янада оширди.

I Ҳалқаро ислом цивилизацияси

форуми узок муддатли маънавий ва илмий жараённинг муҳим босқичи сифатида тарихдан ўрин олиши шубҳасиз. Зеро, унинг бош гоёси ўт-мишдан мерос бўлиб келган буюк ил-мий ва маънавий бойлиқни бутун ҳамда эртамиз учун хизмат қилди-ришдир.

Дилдора ДҲСМАТОВА
«ISHONCH»

Қувончбек ТҲРАЕВ олган сурат



**Давлатимиз раҳбарининг Ислом
цивилизацияси I Ҳалқаро форуми
иштирокчиларига йўлаган мурожаати
билан батафсил танишинг:**



Фаолият

МАНЗИЛЛИ ИШЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

Инсон қадри устувор бўлган диёримизда меҳнат миграция-сидан қайтган фуқароларни, айниқса, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш ва муносиб ҳаёт кечирishлари учун шароит яратиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Бу борада Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган манзилли ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Ўрганишлар, мулоқотлар натижасида вилоятда яшовчи 12 минг 819 нафар хотин-қиз меҳнат миграциясидан қайтди. Улар билан манзилли ишлаш мақсадида жойларда ишчи гуруҳлар шакллантирилиб, маҳалла фаоллари иштирокида 4 минг 856 нафар хотин-қиз билан бевосита мулоқотлар ўтказилди. Натижада 3 минг 818 нафар аёلнинг бандлиги таъминланиб, доимий даромад манбаи яратилди. Шу билан бирга, ўрганишлар айрим хотин-қизларнинг ҳозирча меҳнат фаолияти билан шугулланиш имконияти чекланганини ҳам кўрсатди. Жумладан, 1 минг 38 нафар аёл икки ёшгача бўлган фарзандини парваришлаётгани, ногиронлиги мавжудлиги ёки бошқа оилавий сабаблар тufайли ишга жойлаша олмаётгани аниқланди. Шунингдек, айримлари яна хорижда ишлаш истиagini билдиришган. Бундай ҳолатларда ҳар бир оиланинг ижтимоий ахволи алоҳида ўрганилиб, ҳуқуқий ва амалий маслаҳатлар берилиб, зарур ёрдамлар кўрилмоқда.

Бугунги кунда энг муҳим вазифалардан бири – миграциядан қайтган ва ҳали ҳам ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган 7

минг 963 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш, уларга ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашишдан иборат. Бу борада масъул ташкилотлар томонидан манзилли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Кейинги ойлardaги хатлов ва сўровномалар натижасида меҳнат миграциясидa бўлган яна **903 НАФАР** кам даромадли хотин-қиз аниқланди. Уларни юртга қайтариш, оилавий муаммоларини ҳал этиш ва муносиб иш билан таъминлаш юзасидан алоҳида дастур асосида ишлар олиб борилмоқда. Улар орасида **301 НАФАРИ** қайтиш истиagini билдирган бўлса, бугунга қадар **160 НАФАРИ** ўз оиласи бағрига келди.

Миграциядан қайтган хотин-қизларнинг муурожаатларини ўрганиш ва муаммоларини жойида ҳал этиш мақсадида Оила ва хотин-қизлар бошқармаси ҳамда касаба уюшмалари ҳамкорлигида ҳудудларда сайёр қабуллар ташкил этилди. Уларда туман ва шаҳарлардаги хотин-қиз



Мусобақа

СУВДА МАҲОРАТ СИНОВИ

Навоий шаҳрида «World Aquatics Day» оммавий спорт фестивали доирасида сузиш бўйича вилоят мусобақаси бўлиб ўтди. Унда ҳудуддаги шаҳар ва туманлардан келган 11-13 ёшли ўғил-қизлар қатнашдилар.

Ёш спортчилар жисмоний тайёргарлиги, техник маҳорати ва талабага бўлган интилишини намоён этган беллашувлар қизгин ва муросасиз кечди. Ҳар бир иштирокчи тезкорлиги, чидамлилиги ва сувда ҳаракатланиш техникаси билан ҳакамлар ҳамда мухлислар эътиборини қозонди.

Иктидорли ёш сузувчиларни аниқлаш ва уларнинг маҳоратини янада чархлаш учун муҳим майдон бўлган мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар медал, диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Фаол иштирокчиларга ташаккурномалар топширилди.

Нигора МУҲАММАДИЕВА,
«Uzbekistan aquatics»
Федерацияси
Навоий вилoяти ҳудудий бўлими ижрочи директори

Шарқия БАКАЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилoяти кенгаши раиси ўринбосари

Ҳаракатсизликда бахт йўқ.
Федор Достоевский

Ёшлар овози

ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши томонидан ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ва ёшлар» учрашуви ўтказилиши анъананага айланди. Лойиҳа доирасида Урганч шаҳридаги олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази, «Урганч Бахмал» МЧЖ, Абу Али ибн Сино номидаги Хива жамоат саломатлиги техникуми, Урганч инновацион университети, Урганч ихтисослаштирилган санъат мактаби, Хоразм вилояти педагогик маҳорат маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Хоразм вилояти бошқармаси, Урганч шаҳар 2-техникуми ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси ҳамкорлигида тармоқлардаги ёш ходимлар ва бошланғич ташкилотлар етакчилари билан қизгин мулоқотлар уюштирилди ва бу жараёнларга жами 500 нафар ёшлар қамраб олинди.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳам касаба уюшмалари ёшлар сиёсатининг ажралмас қисмидир. Шу мақсадда Бутунжаҳон саломатлик кунини муносабати билан Урганч давлат университети стадионида «Саломатлик сари» шиори остида оммавий юриш марафони ташкил этилди. Унда 300 нафар талаба-ёшлар жисмоний машқларни бажариб, ҳамжихатликда 5000 қadam ташладилар.

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий билимларини ва ин-

теллектуал салоҳиятини ошириш йўлида вилoят Ёшлар марказида халқ депутатлари вилoят Кенгаши билан ҳамкорликда «Ёшлар маслаҳат гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш» мавзусида форум ва «Заковат» интеллектуал ўйини ташкил қилинди. Унда депутатлар, ёшлар парламенти аъзолари, касаба уюшмалари вакиллари ҳамда халқ депутатлари вилoят, шаҳар ва туман кенгашлари қошидаги ёшлар маслаҳат гуруҳлари аъзолари қатнашдилар. «Заковат» беллашувида эса 84 нафар ёш ўзарo беллашди. Бундан ташқари, ёш авлодда ватанпарварлик ва табиатга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш мақсадида уюштирилган «Самарқанд сари экологик сафар» экосаёҳати ҳам алоҳида аҳамият касб этди ва унда 35 нафар ёш ходим иштирок этди. Кунини кеча эса корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган ёш ходимлар ўртасида «Ёш фаол ёш китобхон» кўрик-танлови ўтказилиб, ғолиблар ва фаол иштирокчилар муносиб тақдирланди.

Бундай тадбирлардан қўзланган мақсад ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали улар жамоада ва жамиятда ўз ўрнини топишларига ёрдамлаштиришдир.

Бахтиёр ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилoяти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Сайёр қабул

САМИЙ МУЛОҚОТЛАР САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти кенгаши ҳудудларда қатор оммавий сайёр қабуллар ташкил этмоқда. Бу тадбирлар нафақат муурожаатларни тинглаш, балки меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини аниқлаш, меҳнат муносабатларига боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш ва уларнинг ечимлари юзасидан таъсирчан чоралар кўриш имконини бермоқда.

Жорий йилнинг дастлабки ярмида ўтказилган сайёр қабуллар чоғида жами 35 нафар фуқаронинг муурожаати қабул қилинди. Ушбу кўрсаткич сон жиҳатидан катта бўлмаслиги мумкин. Бироқ ҳар бир муурожаат ортида инсон, унинг меҳнат ҳуқуқлари, ижтимоий ҳимояси ва турмуш фаровонлиги билан боғлиқ долзарб масалалар турганини инобатга олсак, бундай тадбирларнинг аҳамияти янада яққол намoён бўлади.

Таҳлилларга кўра, меҳнаткашларни энг кўп қизиқтиратган масалалар меҳнат қонунчилигининг амалда қўлланилиши, ишга жойлашиш ва меҳнат шартномаларини расмийлаштириш, моддий ёрдам ҳамда сиҳаттоҳларга йўлланмалар ажратиш, шунингдек, хавфсиз ва муносиб меҳнат шароитларини таъминлашга тааллуқлидир. Бу касаба уюшмалари фаолиятида меҳнат муносабатлари, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат муҳофазаси йўналишлари устувор аҳамият касб этаётганини кўрсатади.

Қувонарлики, муурожаатларнинг аксарияти жойида ижобий ҳал этилди. Қўшимча ўрганиш ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик та-

лаб этилган муурожаатлар назоратга олинди. Қонунчилик доирасида ҳал этилиши мумкин бўлмаган ҳолатлар бўйича эса фуқароларга асослантирилган ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Бу эса муурожаатлар билан ишлашда очиқлик, ҳолислик ва қонунийлик таъминлашга эришилганлигини англатади.

Сайёр қабулларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, улар меҳнаткашларнинг ташкилот раҳбарлари ва касаба уюшмалари вакиллари билан бевосита мулоқот қилиш имкониятини кенгайтиради. Натижада муаммоларни жойида аниқлашга, ортиқча қoғoзбoзликка йўл қўймасдан тезкор чоралар кўриш ҳамда фуқароларнинг ишончини мустаҳкамлашга эришилмоқда.

Шу билан бирга, жараёнда жамланган маълумотлар келгусида меҳнат муносабатларида учраётган тизимли муаммоларни таҳлил қилиш ва уларнинг олдини олиш бўйича манзилли чора-тадбирлар белгиланган учун муҳим манба вазифасини ўтамоқда.

Шамсиддин САТТОРОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилoяти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Ишчи-ҳодимларнинг бузилган ҳуқуқини тиклашда касаба уюшмалари меҳнат ҳуқуқ инспекторлари аввал музокара йўлини танлайди, зарурат тугғилганда эса судга муурожаат қилади. Кўплаб ҳолатларда низо ходим фойдасига ҳал этилади. Бироқ шундан кейин яна бир муҳим савол туғилади: адолат суд қарори қабул қилинган пайтда қарор топади ёки у ўз вақтида ижро этилгандагина тўла таъминланадими?

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кўпинча судда ишни ютиш билан муаммо тўлиқ ҳал бўлмайди. Суд қарорининг нухаси кечикиб берилади, ишларни кўриб чиқиш муддати чўзилади ёки дарҳол ижро этилиши лoзим бўлган қарорлар ҳам вақтида бажарилмайди. Натижада меҳнаткаш суд орқали ҳуқуқини тиклаган бўлса-да, унинг амалий самарасини ўз вақтида ҳис қилмайди.

Албатта, бу масалага бир томонлама ёндашиш тўғри эмас. Кейинги йилларда судларга келиб тушаётган ишлар сони сезиларли даражада ортди. Судьялар зиммасидаги юқори иш юкламаси, айрим ишларнинг мураккаблиги ҳамда қўшимча далиллар йиғиш зарурати жараёнлар чўзилишига таъсир кўрсатиши мумкин. Бироқ меҳнаткаш учун асосий мезон – натижа. У қонун билан қафолатланган ҳуқуқлари белгиланган муддатларда таъминланишини кутади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 270-моддасига мувофиқ, ҳал қилув қарори чиқарилган кундан бошлаб беш кун ичида унинг нухаси тарафларга юборилиши ёки топширилиши шарт. Амалиётда эса мазкур талаб ҳар доим ҳам бажарилавермайди. Жумладан, Тошкент вилoяти, Нурафшон шаҳар санитария-эпидемиологик оsoйишталик ва жамоат саломатлиги бўлими ходимлари манфаати бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори нухаси қа-



рийб бир ой ўтгач, тақдим этилган. Бир қарашда бу оддий кечикишдек туюлиши мумкин. Аслида эса, шу вақт ичида меҳнаткаш апелляция шикоятини бериш, ижро жараёнини бошлаш ёки бошқа қонуний чораларни кўриш имкониятидан кечроқ фойдаланади.

Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексининг 266-моддасига кўра, айрим суд қарорлари дарҳол ижро этилиши шарт. Иш ҳақини ундириш ёки ғайриқонуний равишда ишдан бўшатилган ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги қарорлар шулар жумласидандир. Чунки иш ҳақининг кечикиши бир оиланинг турмуш даражасига, фарзандлар таъминотига, кредит ва коммунал тўловлар ўз вақтида амалга оширилишига бевосита таъсир кўрсатади.

Бироқ амалиётда бундай қарорлар ҳам баъзан кеч ижро этилмоқда. Масалан, Паркент тумани тиббиёт бирлашмаси ходимлари манфаатида қабул қилинган ҳал қилув қарори бўйича тўловлар тўрт ойдан кейин амалга оширилган.

Айни пайтда судлар олдидаги иш ҳажми йил сайин ошиб бораёт-

КЕЧИККАН АДОЛАТ: ИШЧИ-ХОДИМЛАРНИМАНИ ЙЎҚОТМОҚДА?

ганини ҳам эътироф этиш лoзим. Олий суд маълумотларига кўра, ўтган йили мамлакат судлари томонидан 4 миллиондан ортиқ иш кўриб чиқилган бўлиб, бу 2024 йилга нисбатан 37 фоизга кўпдир. Олий суд вакилларининг таъкидлашларича, халқаро амалиётда бир судья бир ойда ўртача 16 та иш кўриши мақбул ҳисобланса, мамлакатимизда бу кўрсаткич айрим ҳолларда бир неча юзгага етади. Табиийки, бундай юклама суд ишларининг тезкорлигига таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу боис ечим фақат иш юкламасини камайтиришда эмас, балки суд ишларини янада самарали ташкил этиш ва бошқаришдадир.

Амалиётда айрим суд мажлислари белгиланган вақтда бошланмаслиги, бошқа кунга қолдирилиши ёки ишни кўриб чиқиш муддатлари турли сабабларга кўра узайтирилиши кузатилади. Бу ҳолатларга иш юкламаси, қўшимча ҳужжатларни йиғиш ёки мутахассисларни жалб қилиш зарурати сабаб бўлиши мумкин. Бироқ ҳар бир кечикиш ортида иш жойига қайта олмаётган, иш ҳақини кутаётган ёки ҳуқуқий но-

аниқлик шароитида яшаётган инсон тақдири турганини унутмаслик керак.

Бугун суд тизимида рақамли технологиялар кенг жорий этилмоқда. my.sud.uz ахборот тизими орқали ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш имконияти яратилди. Бу суд ишларини соддалаштириш ва тезлаштириш йўлидаги муҳим қadamдир. Бироқ ҳуқуқ инспекторлари амалиётида айрим электрон ҳужжатларни қайта тақдим этиш талаб қилиниши ёки уларнинг асоссиз равишда қайтарилиши ҳам учраб турибди. Бу эса жараёндарни сунъий равишда чўзиши мумкин. Агар мазкур йўналишда ягона ва аниқ ҳуқуқни қўллаш амалиёти шакллантирилса, ҳам вақт, ҳам меҳнат тежалган бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, сўнги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ишлар судлов сифати ва одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Бироқ бу ислохотларнинг ҳақиқий самараси ҳар бир фуқаро уни ўз ҳаётида ҳис қилганда намoён бўлади. Зеро, меҳнаткаш учун адолат суд қарори қабул қилингани билан эмас, балки унинг ўз вақтида қўлига тегиши, ижроси кечиктирилмасдан таъминланиши ва ортиқча оворагарчиликларсиз бузилган ҳуқуқининг тикланиши билан баҳоланади.

Муҳаммаджон РЎЗМЕТОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилoяти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

Таҳлил

**Агар нодир фикрли инсонга дуч келсак,
ундан қандай китобларни ўқишини сўрашимиз керак.**
Ралф Валдо Эмерсон

«БУЮК ШАХМАТ»

ТАХТАСИДА ТУЗИЛГАН ҒАЛАБА РЕЖАЛАРИ

Соҳибқирон Амир Тему́р одатий шахмат тахтасини ўта тор ва жўн ҳисоблаган. Муаррих Ибн Арабшохнинг ёзишича, буюк саркарда «Бу тахта менинг мантиқий режаларим ва ҳарбий ҳаракатларим учун жуда ки-чиклик қилади», деган. Шу боис у энг мураккаб ин-теллектуал тизимлардан бири – «Шатранж ал-Кабир» («Буюк шахмат») форматини мукамаллаштирган. Бошқа манбаларга кўра, Амир Тему́р қонли жанглار олдидан виртуал тайёргарликни 112 катакдан иборат шахмат тахтасида ўтказган экан. Бу унинг қўшини шахмат стратегияси бўйлаб ҳаракатланганини билдиради.

Шу ўринда савол туғилади: нега айнан шахмат? Тарихий манбаларга ва темурийшунос олимлар тадқиқотлари натижаларига назар солсак, Амир Тему́р шахмат сирларини 10-12 ёшидан бошлаб, Кеш (ҳозирги Шахрисабз) мадрасаларида ва ҳарбий мураббийлар назорати остида ўргана бошлаган. Шахмат унга геометрик фикрлаш, рақиб психологиясини билиш, унинг кейинги юришини олдиндан тахминлаш ва ресурсларни тўғри тақсимлаш учун хизмат қилган. Олдий шахмат эса зерикарли туюлган. Чунки унга кенглик, доналар эркинлиги ва қутилмаган комбинациялар керак эди. Шу сабабли ҳар донаси ўз пиёдасига эга бўлган, туялар, филлар, жирафа («зурафо»)лар ва қамал машиналари иштирок этадиган буюк тизимни афзал кўрган.

Амир Тему́рнинг шахмат тахтаси аслида ҳақиқий жанг майдонининг кичиклаштирилган жонли нусхаси бўлган. У шахмат доналари ҳаракатини реал армия стратегиясига мукамал даражада кўчира олган. Буни тушуниш учун, аввало, тахтага қараш керак. Олдий шахмат майдони улкан ҳарбий режалари учун торлик қилгани туфайли у тахтани 110 та катакка кенгайтирилган ва чеккаларига иккита «қалъа» катагини қўшган. Кенгайтирилган бу тахта соҳибқирон забт этмоқчи бўлган улкан геосийсий ҳудудларни англатган. Реал урушда енгиллаётган ҳукмдор ўз қалъасига яшириниб, мудофаага ўтгани каби ўйинда ҳам сиқиб чиқарилган шох тахта четигади махсус қалъага қочиб, ўйинни дуранг билан якунлаши мумкин эди.

Ушбу кенг майдондаги ҳар бир дона реал қўшин таркибини аниқ тасвирлай олган. Масалан, тахтадаги «жирафа» донаси узок масофага юра олгани учун реал ҳаётдаги чуқур разведка отлиқларини, «туя» тезкор зарба берувчи бўлинмаларни, «даббаба» («қамал машинаси») эса душман қалъаларини вайрон қилувчи оғир техникаларни акс эттирган. Амир Тему́р қайси донани қаерга суришни мўлжалларкан, аслида эртанги жангда қайси ҳарбий бўлинмани қаерга сафарбар қилишни режалаштирган.

Доналарнинг тахтадаги жойлашуви Амир Тему́рнинг



Фото СИ.

машхур «Беш ва Етти қанотли тактика»сига асос бўлган. Ўша даврда ҳамма ўз қўшинини анъанавий тарзда 3 қисм (чап, ўнг ва марказга) бўлиб, жангга қирган бўлса, соҳибқирон бобомиз шахмат тахтасидаги 11 та вертикал чизикдан илҳомланиб, армияни 5 та ёки 7 та мустақил бўйинга бўлган. Масалан, машхур Анқара жангида қўшиннинг олдинги қисмини авангард, асосий қанотлар, ёрдамчи қанотлар ва чуқур захира кучларига ажратиб бошқарган. Асосийси, унинг лашкарлари реал жангда худди шахмат доналари каби ҳаракат қилган. Қўшин тунда секингина душман сезмайдиган қулай позицияга манёвр қилиб ўтган. Жанг бошланганда эса, рақибни чапгитиш учун унга тўғридан-тўғри эмас, балки шахматдаги Талиа (скаут) донаси каби диагональ бўйлаб қутилмаган ён зарбалар берилган ва душман армияси ҳаммила қуршаб олинган. Сирасини айтганда, Амир Тему́р ҳар бир жангни аввал шахмат тахтасида ютиб, кейин уни амалда такоррлаган.

Соҳибқирон ҳаётида шахмат ва давлат бошқаруви шу қадар уйқатиб кетгандики, бу мантиқий ўйин ҳатто империя тарихидаги энг буюк ҳукмдорлардан бирининг исмига ҳам асос бўлади. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида битилишича, 1377 йил 20 августда Амир Тему́р Сирдарё бўйида чегара истеҳкомларини мустаҳкамлаш чоғи чодирда ўзининг сеvimли шахмат ўйини билан банд бўлиб ўтирган эди. Ўйин нихоятда кескин тус олган паллада у рақибини батамом чорраҳада қолдириб, ўзининг Рух донасини суради ва ғалабани «Шоҳ ва Рух!» дея ҳайқириб эълон қилади.

Айнан шу лаҳзаларда чодирга чопарлар шошилишч кириб келишади. Пойтахт Самарқанддан келгани ҳукмдорга ўғил фарзанд кўрганани, дарё бўйидаги муҳандислар эса шимолий мудофаа дарвозаси бўлмиш янги улкан истеҳком-шаҳар қурилиши тўлиқ якунланганини хабар қилишади. Бир зумда учта йирик ғалабага эришган соҳибқирон тилида айлиниб турган сўзларни бирлаштириб, янги туғилган чақалқоқ Шоҳрух, дарё бўйидаги янги стратегик пойдеворга эса Шоҳрухия деб ном беради. Тарих бу исмининг башоратли эканини исботлади: Шоҳрух Мирзо кейинчалик Темурийлар салтанатини қарийб 43 йил давомида энг тинч ва энг маданий тарзда бошқариб, Темурийлар Ренессансига асос солди.

Тарихда Амир Тему́рнинг шахмат ўйнаб туриб жангни бошқаргани ва ғалаба қозонгани ҳақида аниқ далиллар мавжуд. Унинг айнан жанг майдонида туриб, ҳарбий чодирда шахмат ўйнаган ҳолда стратегик буйруқлар берган ва тарихчи олимларни ҳайратга солган энг машхур тўқнашуви – 1402 йил 20 июлдаги Анқара жанги ҳисобланади. Тарихчилар ҳамда ўша давр араб ва Европа манбаларининг ёзишича, Усмонли турк султони Боязид Йилдиримга қарши олиб борилган бу дахшатли муҳорабада Амир Тему́р ўз чодирда шахмат тахтаси қаршисида ўтирган. Бу жараён реал жанг-овар ҳаракатларни бошқаришнинг энг мукамал усули эди.

Келинг, ушбу воқеани батафсил кўриб чиқайлик. Анқара жанги ўша давр отлиқ ва пиёда қўшинларининг энг йирик тўқнашуви эди. Унда ҳар икки тарафдан жами 200 мингдан ортиқ аскар қатнашган. Бундай улкан жанг майдонини,

Орамиздаги одамлар

ФИДОЙИЛИК САҲИФАЛАРИ



Инсоннинг ҳақиқий қадри у эгалаган мансаб билан эмас, босиб ўтган ҳаёт йўллари билан ўлланади. Шундай одамлар борки, уларнинг номи, йиллар ўтса-да, ҳалоллик, жасорат ва Ватанга садоқат тимсоли сифатида тилга олинади. Дехқонбой Қудриддинов ана шундай фидойи кишилар сирасидан.

1993 йилда унинг Жиззах вилояти божхона бошқармаси бошлиғи этиб тайинланиши ҳеч кимни ажаблантирмади. Чунки ўша даврда мамлакатимизда божхона соҳаси учун мутахассис тайёрлайдиган олий таълим муассасаси хали ташкил

этилмаган, тизимнинг асосий таянчи эса ички ишлар органларидан келган тажрибали кадрлар эди.

Дехқонбой ака раҳбарликка келгач, божхонага мутлақо янгича нигоҳ билан қаради. Мухими, соҳанинг келажаги фақат иқтисодий билим ва таҳлилда эканини яхши англари. Шу боис хизматта иқтисодчилар, бухгалтерлар ва молия соҳаси мутахассисларини жалб қила бошлади. Натижада божхона фақат чегара қўриқчиси эмас, балки мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг том маънода ишончли қалқонига айланди.

Кўп ўтмай, контрабандага қарши кураш фақат давлат чегараси билан чекланмай, бозорлар, савдо тармоқлари ва иқтисодий муносабатлар ичига ҳам кириб борди. Натижада вилоят божхона бошқармаси анча йиллар давомида республикадаги энг илгор жамоалардан бири сифатида эътироф этилди. Табиийки, бу муваффақиятлар асосида рақамлар эмас, раҳбарнинг мустаҳкам иродаси турарди.

Дехқонбой ака учун қонун ҳамиша ҳар қандай мансабдан устун эди. Юқори лавозимли амалдорлар ёки таъсирли шахс-

ларнинг илтимослари ҳам, босими ҳам унинг қарорини ўзгартира олмади. Унинг наздида қонуннинг эшиги ҳамма учун бир хил эди.

Раҳбарнинг ана шу принципи бутун жамоага юққанди. Ходимлар ортидаги адолатли раҳбар турганини билгани учун контрабандага боғлиқ жиноятларни фош этишдан чўчимасдилар. Ўша йилларда мамлакат иқтисодиёти турли синовларни бошидан кечираётганди. Ана шундай шароитда бешта тумани қўшини давлатлар билан чегарадош Жиззах вилояти орқали минглаб тонна ғалла, ёнилғи, минерал ўғитлар, кишлоқ хўжалиги техникалари, металл ва бошқа стратегик аҳамиятга эга маҳсулотлар ноқонуний олиб чиқиб кетилишига чек қўйилди. Бу божхоначиларнинг давлат манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги фидокорона хизматлари самараси эди.

Дехқонбой ака суд залларини ҳам кураш майдони деб биларди. Йирик контрабанда ишлари қўрилаётганда суд жараёнларида шахсан иштирок этар, адолат ғалаба қилиши учун охиригача курашарди. Мағбуотга ҳам бефарқ эмасди. Бунинг сабаби ўзи ҳам бир

вақтлар «Янгиер тонги» газетасида адабий ҳодим бўлиб меҳнат қилганидадир. У бутун ҳам қаламини қўлидан қўйгани йўқ, шеърлар, мақолалар ёзишда давом этмоқда.

Қаҳрамонимиз қарийб қирқ йил мобайнида Жиззах, Сирдарё ва Самарқанд вилояти божхона бошқармаларига раҳбарлик қилди. 2002 йилдан буён Ўзбекистон божхона хизмати фахрийлари уюшмасига раислик қилиб, бой тажрибасини ёш авлодга улашиб келмоқда. Уч нафар фарзанди ҳам унинг изидан бориб, божхона тизимида фаолият юритди. Бу тасодиф эмас. Чунки ҳалоллик, Ватанга муҳаббат ва бурчга садоқат, энг аввало, оилада шаклланади. Бутун ортга назар ташлар эканмиз, Дехқонбой Қудриддиновнинг ҳаёт йўли Ўзбекистон божхона хизмати тарихининг ибратли саҳифаларидан бири эканини кўрамиз. Шундай инсонлар бор экан, қонуннинг нуфузи ҳам, Ватаннинг ишончи ҳам мустаҳкам бўлади. Эл юртига ҳалол хизмат қилган инсон йиллар ўтган сари янада кўпроқ қадр топади.

Илҳом ХОЛМАТОВ,
журналист

Маърифат

Чуст тумани «Тепакўрғон» маҳалласида яшаётган 80 ёшли ижодкор Ҳусайнхон Орифийни кўпчилик китобга астойдил меҳр қўйган, умрини мутолаа ва изла-нишга бағишлаган инсон сифатида танийди.

Китобга меҳр унга отасидан мерос.

– Болалигимизда одамлар шамчироқ ёруғида газета ва китоб мутолаа қиларди. Ана шу даврда кутубхона деган мукаддас маскан ҳақидаги илк тасаввурларим шаклланган, – дейди отахон биз билан суҳбатда.

Ёшлигида у мактаб ва колхоз кутубхоналарида иди қи-деярли барча китобларни ўқиб чиқди. Кейинчалик эса китоб йиғишни одатга айлантирди. Бутун хонадонидagi муъжазгина кутубхонада 2000 га яқин бадийи ва илмий асарлар жамланган. Бу нурухона, ўз навбатида, оила аъзолари, фарзандлар ва набиралари-



ОРИФИЙНИНГ БЕҚИЁС ХАЗИНАСИ

нинг ҳам маънавий хазинасига айланган. Унда, айниқса, тарихий китоблар салмоқли ўрин эгаллаган. Тарихга қизиқиш уни ўтмишини чуқур ўрганишга ундаган. Шу билан бирга, отасидан қолган қарийб икки асрлик ноёб китобларни ҳам асраб-авайлаб, сақлаб келмоқда.

Бу ерда шеърий китоблар, жаҳон адабиёти намуналари, илмий-тадқиқот асарлари ҳам бисёр. Айниқса, Мухаммадшариф Сўфизоданиннг ҳаёти ва ижодида оид манбалар алоҳида аҳамиятга эга. Ҳусайнхон Орифий қирқ йилдан ортиқ вақт давомида чустлик жадид шоир Мухаммадшариф Сўфизоданиннг ижодий меросини ўрганиб келмоқда. Ҳусайнхон Орифий шоир борган манзилларнинг барчасини топиб, ижодини чуқур ўрганган ва «Буюклик неъмат» асарини нашр эттирган. Китоб Сўфизода шахсияти ва ижодини

янада ойдинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Устоз кутубхонасида адабиётга қизиқувчи дўстлари, сафдошлари тақдим этган дастхат ёзилган китоблар ҳам бор.

Қаҳрамонимиз айрим китобларни қайта-қайта varaқлашни хуш кўради. Одил Ёкубовнинг «Қўхна дунё», Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романлари, Қустийнинг ғазаллари ҳамда сеvimли шоирларнинг шеърларини мутолаа қилади. Ўз навбатида, юртимизда китобхонлики тарғиб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Ҳусайнхон Орифийнинг фикрича, ҳозир кўпчилик моддий ташвишлар билан банд бўлиб, мутолаани нутиб қўймоқда. Китоб ва мутолаа қорини тўйдирмайди, аммо онгини ривожлантириб, фикрлаш доирасини кенгайтиради. Демак, ўқиб-ўрганиш инсон ҳаётида беқиёс аҳамиятга эга.

Отабек ҚОБИЛОВ

Чуст тумани

Марокли дам олинг, азиз газетхон!



Ҳабиба Охунова ижросида «Найнинг навоси» кўшиғи

Найнинг навосига жоним тасаддуқ, Жоним надуру, балки жаҳон тасаддуқ. Ишқнинг таронасини қўласа мазруру, Шайдо бу кўнгил чунон тасаддуқ.



Эълон

Ўзбекистон Миллий телерадиоканали томонидан «Mahalla» teleradiokanali» ДМнинг Радиолойиҳалар муҳарририяти бош режиссёри Шодиева Лолажон Озодовна номига берилган №1196-сонли гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

MUASSIS:



2007-йил 11-январда О'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.



«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV

(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doeverue»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyatni nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

Alijon ABDURAHMONOV

Musahhihlar:

Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umid XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDULLILOV

Boshisha topshirilish vaqti: 20:40

Topshtirildi: 21:00

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail:

ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatlari chop etilishiga bosmaxona mas'ul.

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 004 ta

Shundan: 6 519 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda;

19 294 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 191 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taqob. Buyurtma: G-711

1 2 3 4 5 6